XIII. ДЕМОГРАФИК ҲОЛАТ ВА БАНДЛИК

Дастлабки маълумотларга кўра, 2019 йилнинг 1 октябрь ҳолатига вилоятда доимий аҳоли сони 2 795,6 минг кишини ташкил қилди ва йил бошига нисбатан 42 735 кишига ёки 1,5 % га кўпайди. Шундан, 1 805,9 минг киши – шаҳар жойларида (жами аҳоли сонининг 64,6 %) ва 989,7 минг киши – қишлоқ жойларида (35,4 %) истиқомат қилади.

Наманган вилояти ҳудудлари
бўйича доимий аҳоли сони тўғрисида маълумот
(2019 йилнинг 1 октябрь ҳолатига)

	Доимий аҳоли сони, минг киши		
	жами	***шу жумладан:***	
		шаҳар	***қишлоқ***
Вилоят бўйича:	**2795,6**	**1805,9**	**989,7**
Наманган ш.	622,6	622,6	0,0
туманлар:			
Мингбулоқ	125,1	43,4	81,7
Косонсой	207,3	125,3	82,0
Наманган	177,6	52,9	124,7
Норин	162,4	74,6	87,8
Поп	217,9	124,6	93,3
Тўрақўрғон	224,2	128,2	96,0
Уйчи	211,0	102,7	108,3
Учқўрғон	170,7	73,2	97,5
Чортоқ	197,4	131,5	65,9
Чуст	263,4	177,9	85,5
Янгиқўрғон	216,0	149,0	67,0

Наманган вилояти шаҳар ва қишлоқлар бўйича аҳоли сони тўғрисида маълумот

(2019 йилнинг 1 октябрь ҳолатига, минг киши)



Шунингдек, вилоятдаги жами доимий аҳолининг 1 420,2 минг таси эркаклар (жами аҳоли сонининг 50,8 %) ва 1 375,4 минг таси аёлларни (49,2 %) ташкил этади.

Вилоятнинг ҳудудий майдони 7,444 минг кв.км.ни ташкил этиб, аҳоли зичлиги 1 кв.км.га ўртача 375,6 киши тўғри келади. Аҳоли зичлиги юқорилиги бўйича шаҳар ва туманлар кесимида таҳлил қилиб кўрилганда, Наманган шаҳарда 1 кв.км.га ўртача 4 150,7 киши, Наманган туманида 1 кв.км.га ўртача 874,1 киши ва Тўрақўрғон туманида 1 кв.км.га ўртача 822,0 киши тўғри келмоқда.

Аҳоли зичлиги паст бўлган туманлар кесимида таҳлил қилиб кўрилганда, Поп тумнида 1 кв.км.га ўртача 74,9 киши, Мингбулоқ туманида 1 кв.км.га ўртача 168,9 киши ва Чуст туманида 1 кв.км.га ўртача 281,0 киши тўғри келмоқда.

2019 йил 1 октябрь ҳолатига ҳудудлар кесимида аҳоли зичлиги

(1 км2 киши)



Наманган вилояти ҳудудлари
бўйича доимий аҳоли сони тўғрисида маълумот
(2019 йилнинг 1 октябрь ҳолатига)

	Доимий аҳоли сони, минг киши		
	жами	***шу жумладан:***	
		эркак	***Аёл***
Вилоят бўйича	**2795,6**	**1420,2**	**1375,4**
Наманган ш	622,6	320,5	302,1
туманлар:			
Мингбулоқ	125,1	63,6	61,5
Косонсой	207,3	105,8	101,5
Наманган	177,6	90,7	86,9

	Доимий аҳоли сони, минг киши		
	жами	шу жумладан:	
		эркак	Аёл
Норин	162,4	82,7	79,7
Поп	217,9	109,4	108,5
Тўрақўрғон	224,2	113,3	110,9
Уйчи	211,0	105,5	105,5
Учқўрғон	170,7	85,5	85,2
Чортоқ	197,4	98,8	98,6
Чуст	263,4	134,7	128,7
Янгиқўрғон	216,0	109,7	106,3

Наманган вилояти ҳудудлари бўйича аҳолининг жинси сони тўғрисида маълумот

(2019 йилнинг 1 октябрь ҳолатига, минг киши)



Аҳолининг табиий ҳаракати
(январь-сентябрь ойларида)

	Киши			ҳар 1000 кишига	
	2018 й.	2019 й.[1)]	ўсиш, камайиш	2018 й.	2019 й.[1)]
Туғилганлар	47 740	52 838	5 098	23,5	25,5
Вафот этганлар	8 784	9 151	367	4,3	4,4
Табиий ўсиш	38 956	43 687	4 731	19,2	21,1
Никоҳлар	15 370	16 231	861	7,6	7,8
Ажралишлар	1 825	1 825	0	0,9	0,9

Аҳолининг табиий ҳаракати коэффициенти
2019 йилнинг январь-сентябрь ойларида
(1000 аҳолига нисбатан, промилле)



Туғилиш даражаси. 2019 йил январь-сентябрь ойларида туғилганлар сони 52 838 кишини ташкил қилди ва 2018 йилнинг мос даврига (47 740 киши) нисбатан 5 098 тага кўпайди. Туғилиш коэффициенти мос равишда

[1)] *дастлабки маълумот*

25,5 промиллени ташкил қилди ва 2018 йилнинг мос даврига (23,5 промилле) нисбатан 2,0 промиллега ўсиш бўлди.

Туғилиш даражасининг кўпайиши вилоятнинг Косонсой туманида (23,1 дан 24,9 промиллега) ва Уйчи (24,3 дан 26,7 промиллега) туманларида кузатилди.

2019 йилнинг январь-сентябрь ойларида ҳудудларда туғилиш даражаси

(1000 аҳолига нисбатан, промилле)



Ўлим даражаси. 2019 йил январь-сентябрь ойларида вафот этганлар сони 9 151 кишини ташкил қилди. 2018 йилнинг мос даврига (8 784 киши) нисбатан 367 тага кўпайди. Мос равишда ўлим коэффициенти 4,4 промил-лени ташкил қилди (2018 йил январь-сентябрь ойларида – 4,3 промилле). Вафот этганлар сони кўпайиши Чортоқ (3,9 дан 4,1 промиллега), Мингбулоқ (3,6 дан 4,1 промиллега), Наманган (4,0 дан 4,1 промиллега), ва Тўрақўрғон (4,2 дан 4,3 промиллега) туманларида кузатилди.

Вафот этганлар умумий сонидан 57,7 % қон айланиш тизими касалликларидан, 5,0 % - нафас олиш органлари касалликларидан, 6,5 % - бахтсиз ҳодиса, заҳарланиш ва жароҳатлардан, ўсимталардан 10,0 %, ҳазм қилиш 5,8 % ва инфекцион паразитлар 1,3 % вафот этганлар ҳисобига тўғри келди.

2019 йилнинг январь-сентябрь ойларида ҳудудларда ўлим даражаси

(1000 аҳолига нисбатан, промилле)



Ўлганлар умумий сонининг таркибий тузилиши

(2019 йилнинг январь-сентябрь ойларида, фоизда)

Никоҳлар ва ажралишлар. 2019 йил январь-сентябрь ойлариида ФҲДЁ органларида 16 231 та никоҳлар ва 1 825 та ажралишлар рўйхатга олинди. Минг аҳолига нисбатан промилледа 7,8 никоҳ (2018 йилнинг тегишли даврида – 7,6) ва 0,9 ажралишлар (2018 йилнинг мос даврида – 0,9) тўғри келади.

2019 йилнинг январь-сентябрь ойларида тузилган никоҳлар ва никоҳдан ажралишлар сони

(бирлик)

	Тузилган никоҳлар		*Никоҳдан ажралишлар*	
	2018 йил	*2019 йил*	*2018 йил*	*2019 йил*
Вилоят бўйича	**15 370**	**16 231**	**1 825**	**1 825**
Наманган ш	3 825	4 025	381	378
туманлар:				
Мингбулоқ	662	753	62	92
Косонсой	1 043	1 124	156	138
Наманган	920	950	106	127
Норин	884	944	143	112
Поп	1 194	1 319	185	160
Тўрақўрғон	1 504	1 335	132	125
Уйчи	1 245	1 321	135	135
Учқўрғон	934	1 063	135	139
Чортоқ	765	854	127	120
Чуст	1 418	1 442	164	183
Янгиқўрғон	976	1 101	99	116

Миграция. Дастлабки маълумотларга кўра, 2019 йил январь-сентябрь ойларида вилоят бўйича кўчиб келганлар сони 3 743 кишини, шу давр мобайнида кўчиб кетганлар сони эса 4 695 кишини ташкил қилди. Миграция қолдиғи манфий 952 кишига (2018 йилнинг мос даврида - манфий 664 киши) тенг бўлди. Энг катта манфий қолдиқлар Наманган шаҳрида (манфий 522), Тўрақўрғон (манфий 170), Чуст (манфий 188), Норин (манфий 95) туманларида кузатилди.

2019 йилнинг январь-сентябрь ойларида ҳудудлар кесимида доимий аҳоли сонининг тақсимланиши

минг кишида

	Доимий аҳоли сони		
	2018 йил	***2019 йил***	***Ўсиш +/-***
Вилоят бўйича	**2 737,8**	**2 795,6**	**57,8**
Наманган ш	608,7	622,6	13,9
туманлар:			
Мингбулоқ	122,4	125,1	2,7
Косонсой	202,7	207,3	4,6
Наманган	173,6	177,6	4,0
Норин	159,5	162,4	2,9
Поп	214,0	217,9	3,9
Тўрақўрғон	219,4	224,2	4,8
Уйчи	206,5	211,0	4,5
Учқўрғон	167,4	170,7	3,3
Чортоқ	193,5	197,4	3,9
Чуст	258,4	263,4	5,0
Янгиқўрғон	211,7	216,0	4,3

2019 йилнинг январь-сентябрь ойларида ҳудудлар кесимида доимий аҳоли сонининг тақсимланиши